

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан
16-18 декабрь кунлари давлат ташрифи билан Жанубий Кореяда бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида Сеул шаҳрида Корея Республикасининг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Тадбирда Корея Республикаси

савдо, саноат ва энергетика вазир Мун Син Ук, Корея халқаро савдо уюшмаси раиси Кристофер Ку, Корея Эксимбанки, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), «SK Ecoplant», «Pocso», «Samsung», «SK Nexilis»,

«Youngone», «KIA Motors», «K-water», «KT-Net» ва кўплаб бошқа компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Хорижий ташрифлар чоғида бундай учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Хусусан, Ўзбе-

кистон Президенти 2017 йилда Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи доирасида йирик бизнес форуми ўтказилган эди. 2019 йилда эса давлат раҳбарлари Тошкентдаги қўшма бизнес форумида иштирок этди-

лар. Ушбу тадбирлар натижасида ишбилармонлар ўртасида ишонч кучайди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шериклик фаоллашди. Натижада кўплаб лойиҳалар ишга туширилди. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларига бозор механизмларини жорий қилиш борасидаги жиддий янгиланишлар амалга оширилаётгани ҳам ҳамкорликнинг кенгайишига хизмат қилмоқда. Биргаликда бизнес юритишга халал берган тўсиқлар бартараф этилди.

— Мамлакатимизда бошланган ўзгаришлар ортга қайтмайди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Янги Ўзбекистон стратегиясида мамлакатимизда тадбиркорлар учун энг қулай шароитлар яратиш, хорижий бизнес фаолиятини кенгайтириш ишларини давом эттириш кўзда тутилган. Ўзбекистоннинг ишончли дўсти ва алоҳида стратегик шериги — Корея Республикаси билан барқарор, ишончга асосланган ва жадал ривожланиб бораётган ҳамкорликни қадрлаймиз.

Икки давлат ўртасида, шу жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида тизимли алоқалар йўлга қўйилган. Махсус ишчи гуруҳ фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида Корея Республикаси билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун масъул алоҳида департамент тузилган.

Бундай эътибор ва тизимли ишлар натижасида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мисли кўрилмаган юқори даражага кўтарилди. Товар айирбошлаш икки баробарга ортиб, 2,2 миллиард долларни ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиётида Кореядан йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. Кейинги беш йилда

мамлакатимизда Корея сармояси иштирокидаги корхоналар сони икки баробар кўпайди. Бугун улар мингтадан ортиқ. Кореялик компаниялар билан биргаликда Ўзбекистонда умумий қиймати 9 миллиард доллардан зиёд 52 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Корея компанияларини биргаликда янги, кенг кўламли ташаббусларни ишлаб чиқишга чақирди.

Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистонда фаол тадбиркорлик учун яратилган шароитларни юксак баҳолади ва инвестицион ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирди.

Учрашувда Корея компаниялари билан ҳамкорликда рақамлаштириш, “яшил энергетика”, машина-созлик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, фармацевтика, геология соҳалари ва бошқа кўплаб йўналишларда умумий қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ 40 та янги лойиҳани амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу режаларни маъқуллаб, мутасаддиларга аниқ муддатларини белгиланган ҳолда тегишли “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича топшириқ берди.

— Бош мақсадимиз — Корея бизнеси Ўзбекистонда қулай муҳитни ҳис этиб фаолият юритсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Корея компаниялари раҳбарларини Ўзбекистонга келиш ва у ерда хорижий инвесторлар учун яратилган қулай шароитлардан фойдаланишга таклиф этди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ РАҲБАРЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ИРОДАСИ ИККИ МАМЛАКАТ АЛОҚАЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи, мазкур тарихий воқеа доирасида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти халқаро экспертлар томонидан фаол кузатиб борилмоқда.

Дунё нигоҳи

Адем Кула,
Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти
Савдо-саноат палатаси бош котиби:



— Ўзбекистон ва Корея Республикаси раҳбарларининг сиёсий иродаси икки мамлакат алоқаларини янги босқичга олиб чиқди. Икки мамлакат ўртасида алоҳида стратегик шериклик муносабатларини чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма баёнот қабул қилинганлини қайд этишни истардим. Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига ташрифи чоғида қатор ҳужжатлар тасдиқланди. Бунга Сogлиқни сақлаш соҳасида ҳукуматлараро битим, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги билан 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дас-

тури, шунингдек, энергетика соҳасида ўзаро мулоқот ўрнатиш, “ақлли шаҳар”ларни ривожлантириш, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш жамғармаси орқали молиялаштириш, нодир металллар, мис ва уларнинг қотишмаларига оид меморандумлари имзоланди. Ўзбекистон ва Корея Республикаси АКТни ривожлантириш ва ундан фойдаланиш бўйича ҳамкорликда қатор ютуқларга эришганига қарамай, ахборот технологиялари ва “ақлли” қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик меморандумининг имзоланиши ўз вақтида амалга оширилган ва долзарб воқеадир. Ўзбекистон раҳбари бугунги кунда узоқ муддатга мўлжалланган амалий шерикликнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқишни замон талаби эканини алоҳида урғулади. Ўхшаш менталитет, анъаналар ва маънавий қадриятларга эга икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик жаҳон иқтисодиётининг бугунги чақирқларига тўлиқ жавоб бериши лозим.



Алан Ламбал,
“ASIE-21” наشري
эксперти (Франция):

— Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифининг кўп қирралиги тасдиғидир. Ташриф чоғида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтди ва салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди. Ўзбекистоннинг Корея Республикаси билан ҳамкорлиги мамлакатнинг иқтисодий ва саноат ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Корея Республикаси аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад даражаси юқори бўлган иқтисодиётни ривожланган давлатдир. Мамлакатда енгил ва оғир саноат, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, юқори технологиялар ва бошқа етакчи тармоқлар тарққий этган. Ўз навбатида, Сеул ҳам улкан иқтисодий ва инсон ре-

сурслари салоҳиятига, қулай географик жойлашув ва йирик бозорга эга бўлган Ўзбекистон билан муносабатларни чуқурлаштиришдан манфаатдор. Томонлар бир-бирига савдо-сотиқ ҳажмини ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича амалий чора-тадбирларни таклиф этишга қодир ва тайёр. Шу билан бирга, Ўзбекистон мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда Корея Республикаси тажрибасини давлат ташрифининг кўп қирралиги тасдиғидир. Ташриф чоғида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтди ва салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди. Ўзбекистоннинг Корея Республикаси билан ҳамкорлиги мамлакатнинг иқтисодий ва саноат ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Корея Республикаси аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад даражаси юқори бўлган иқтисодиётни ривожланган давлатдир. Мамлакатда енгил ва оғир саноат, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, юқори технологиялар ва бошқа етакчи тармоқлар тарққий этган. Ўз навбатида, Сеул ҳам улкан иқтисодий ва инсон ре-

МУНОСАБАТ СЕРҚИРРА ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАК ДАРАЖАДА ҚАДРЛАЙМИЗ

Адҳам ИКРОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси:

— Ўзбекистон Корея Республикаси билан стратегик шериклик ва серқирра ҳамкорлик муносабатларини юксак қадрлайди. Вақт ўтиши билан ўз исботини топган ушбу самарали ҳамкорликнинг асосини олий даражадаги мунтазам мулоқот, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги тўла ўзаро англашув ва ишончли муносабатлар ташкил этди. Президентимизнинг Корея

Республикаси ташрифи, шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг барча соҳасида ҳамкорликни кенг қўламли кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратди.

Ўзбекистон — Корея тўқимачилик технопарки ва Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги марказининг қўшма юқори технологик лойиҳалари савдо-иқтисодий, молиявий ва сармоя-

вий ҳамкорлик соҳасида мисли кўрилмаган ривожланишга хизмат қилди. Сармоявий ҳамкорлик ҳақида сўз юритар эканмиз, Ўзбекистон иқтисодиётига қиритилган Корея инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошганини қайд этиш лозим. Бу йил 320 млн. доллар ўзлаштирилди. Бу 20 фоизга кўп ва асосан, кимё, нефть-кимё, тўқимачилик, қурилиш саноати ва қишлоқ хўжалигида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 857 та Корея корхонаси фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 388 таси тўлиқ хорижий капитал иштирокидаги, 459 таси қўшма корхонадир. Корея компаниялари республикаимизда жуда фаол. Улар иштирокида Ўзбекистоннинг барча ҳудудида нафақат йирик лойиҳалар, балки кичик ва хусусий бизнес соҳасидаги лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига қилган расмий ташрифи икки мамлакат учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бинобарин, ташриф асосида ўтказилган тантанали маросимлар, турли учрашувлар, суҳбат ва мулоқотлар, имзоланган ҳужжатлар ҳар икки халқ келажаги учун хизмат қиладиган даражадаги тарихий жараён ҳисобланади.

Аслида, ўзбек ва корейс халқларини асрлар давомида қарор топган қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Чунончи, бугунги замонавий Самарқанд ҳудудида жойлашган қўшна Афросиёб шаҳри деворларида VII асрда Кореянинг Когурё сулоласи элчилари ташрифи акс этган суратлар сақланиб қолган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея муносабатлари турли соҳаларга оид 180 дан ортиқ шартнома ва битимлар негизда изчил тарақ-

қий топиб борапти. Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация (2006 йил), Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация (2014 йил), Алоҳида стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация (2019 йил) сингари муҳим ҳужжатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш имконини

берди. Стратегик шерикликнинг бугунги натижаларига олий даражада икки томонлама мулоқотлар жадал олиб берилгани сабабли эришилди, десак, янглишмаймиз. Дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан бери мамлакатларимиз ўртасида давлат раҳбарлари даражасида 20 дан зиёд учрашувлар бўлиб ўтди. Сўнгги йилларда ушбу мулоқот янада фаоллашгани кўзга яққол ташланмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ишончли шериклик муносабатлари тенг ҳуқуқлилик ҳамда кўп қиррали ҳамкорлик асосида узоқ истиқболли ҳусусيات касб этган. Уларни қатор йўналишларда алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ РАҲБАРЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ИРОДАСИ ИККИ МАМЛАКАТ АЛОҚАЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚДИ

◀1

Ли Жуйси, Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти ходими:



— Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда изчил мустаҳкамланиб, амалий ҳамкорлик жадал суратлар билан ривожланмоқда.

Бунга, биринчи навбатда, икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва изчил ташрифлар алмашинуви ёрдам берди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 — 25 ноябр кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди, бунинг натижасида 20 дан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро шартнома, шунингдек, умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ бўлган 64 та ҳужжат имзоланди.

2019 йилнинг апрель ойда Ко-

рея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Натижада 12 миллиард доллардан ортиқ сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳужжатлар имзоланди ва бошқа келишувларга эришилди. Энг муҳими, давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Иккинчидан, томонлар халқро ва минтақавий масалаларда, жумладан, Корея яриморлида тинчлик ва барқарорликни сақлаш, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ва бошқа масалаларда ўзаро ёрдам кўрсатмоқда.

Учинчидан, иқтисодий ва савдо алоқалари кўлами кенгайишда давом этмоқда. Инвестицион ҳамкорлиқнинг самарали натижаларига эришилмоқда.

Тўртинчидан, гуманитар алмашинув соҳасидаги ҳамкорлик. Сўнгги йилларда томонлар ўртасида таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, меҳнат миграцияси ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик фаоллашгани кузатиш мумкин.

Шуни таъкидлаш кераки, COVID-19 пандемиясини даярли барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари, Афғонистондаги вазият каби бошқа салбий омиллар натижасида Марказий Осиё давлатлари жиддий таҳдидларга дуч келди.

Бундай қийинчиликларга қарамай, Марказий Осиё давлатлари мавжуд муаммолар билан самарали курашмоқда. 2021 йилда Ўзбекистонда

Президент сайлови муваффақиятли ўтди, мамлакатда 5 йил аввал турли соҳаларда бошланган кенг кўламли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон раҳбариятининг инкирозга қарши фаол сиёсати тўғрисидаги кўп қиррали ҳужжатлар имзоланди, Мамлакат иқтисодиёти пандемиядан олдинги ривожланиш даражасига қайтмоқда. Шунингдек, илмий-техникавий тараққиёт имкониятларини мустаҳкамлаш учун халқро ҳамкорлик мутасил кенгайтирилмоқда.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган “яшил иқтисодиёт”, рақамли ривожланиш, инновациялар, таълим, тиббиёт, соғлиқни сақлаш ва аҳолининг турмуш фаровонлиги билан боғлиқ бошқа соҳаларни биргаликда илгари суришда алоҳида аҳамиятга эга.

Кан Донг Гук, Нагоя университети (Япония) профессори:

— Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига ташрифида давлат мақоми берилгани ўзаро муносабатлар ҳар икки мамлакат учун ҳам муҳим эканидан далолат беради.

Ташриф кун тартиби жуда кенг бўлди. Мен шу муносабат билан бир нечта фикрларни таъкидлашни истайман.

Биринчидан, коронавирус инфекциясига қарши курашда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик. Панде-



мия бутун инсоният фаолиятида чуқур из қолдирди — мамлакатлар иқтисодиёти, халқро муносабатлар ва, биринчи навбатда, аҳоли ҳаётига жиддий таъсир кўрсатди. Коронавирус Ўзбекистон — Корея Республикаси муносабатларида ҳам сезилмасдан қолмади. Айниқса, гуманитар алоқаларда унинг оқибатлари сезилди. Икки давлат соғлиқни сақлаш, илмий тадқиқот, бошқа масалаларда ва идоралари фаол ҳамкорлик қилиб келаётган бўлсада, карантин чекловлари тўғрисидаги инсонлар ўртасидаги алоқалар бироз тўхтаб қолди.

Шу нуктаи назардан, етакчиларнинг яқин позициясини бу йўналишдаги самарали ҳамкорликнинг қалити, деб ҳисоблайман. Хусусан, Корея Республикаси Президентининг барча одамларнинг вакциналардан истисносиз тенг фойдаланиши, глобал бирдамлик ва пандемияга қарши курашда ҳамкорлик қилиш зарурлиги ҳақидаги ғояси Ўзбекистон Президентининг вакциналарни тенг ва адолатли тақсимлаш, пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари бўйи-

ча Халқро кодексни ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифлари билан мос келади.

Иккинчидан, иқтисодий ҳамкорлик. Бу борадаги алоқалар жуда чуқур ва жадал ривожланмоқда. Бу ерда ийрик, юқори технологияли лойиҳалар, шунингдек, янги, ютуқли йўналишлар — “яшил иқтисодиёт”, углерод нейтраллиги ва бошқалар мавжуд. Бирок муносабатлар бу билан чекланмайди. Уйлайманки, Ўзбекистон каби имкониятларга бой мамлакат Корея Республикасига кўп нарсаларни тақлиф қила олади, айниқса, ҳамкорликнинг тўпланган ижобий тажрибасини ҳисобга олсак. Ҳар икки етатчи ҳам ўз мамлакатлари ва халқлари манфаати учун янги уфқларни очиб, олға интишмоқда.

Бу борада Корея Республикаси Ўзбекистоннинг иқтисодий фаровонлигига ҳисса қўшишдан мамнун бўлади. Уйлайманки, Президент Мун Чжэ Ин ҳам Президент Шавкат Мирзиёев билан яқин муносабатлари орқали Ўзбекистон халқи манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг муҳим жараёнига ҳисса қўшаётган фарҳангдир.

Учинчидан, сиёсий ҳамкорлик. Ўзбекистон Мун Чжэ Иннинг “Янги шимолий сиёсат” ни доирасида Корея Республикасининг энг муҳим ҳамкорларидан бири сифатида тан олинган. Ўзбекистон Президентининг Корея яриморлидаги муносабатларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши Корея

Республикаси раҳбари учун жуда муҳимдир.

Шунингдек, икки томонлама муносабатларда асосий роллардан бири корейс диаспорасига тегишли. Корея Республикасида уни дунё билан боғлайдиган глобал диаспоралар тармоғи мавжуд. Этник корейслар нафақат маданий алоқа ролини ўйнаши, балки икки давлатнинг иқтисодий, таълим ва бошқа соҳаларда яқинлашишига ҳам ҳисса қўшиши мумкин.

Шерадил Бақтигулов, сиёсатшунос (Қирғизистон):



— Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига ташрифи икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Мазлумки, Корея Республикаси Ўзбекистон билан яқин ва самарали алоқаларга эга бўлиб, улар йирик сармояларда ўз инфодини топади.

Президент Шавкат Мирзиёев сўнгги йилларда ўзаро савдо айланмаси ва қўшма корхоналар сони даярли икки баробар ошганини қайд этди. Бу мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳам-

корликнинг юқори суръатидан даража беради. Марказий Осиё минтақаси Корея Республикаси бизнеси учун жуда манфаатли. Зеро, бу минтақа ҳудудида кўпсонли корейс диаспораси яшайди. Келаси йили давлатлар дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ва корейс диаспораси Ўзбекистонда яшаётганининг 85 йиллигини кенг нишонлайди.

Шу нуктаи назардан Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар жадал суръатларда ўсиб бораётганини қайд этишни истардим. Шавкат Мирзиёев 2022 йилни “Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида ўзаро алмашинув йили” деб ўтказишни тақлиф қилди.

Сўнгги бир неча йил давомида Ўзбекистоннинг халқро майдондаги мавқеи юксалиб бормоқда. Шавкат Мирзиёев масъулиятни ўз зиммасига олиб, турли халқро ташаббусларни дадил илгари сурмоқда. Бундай ҳолатда Корея Республикаси алоҳида стратегик ҳамкор сифатида Ўзбекистон раҳбариятининг барча ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. Жорий йил ҳам мустасно бўлмади ва Корея Республикаси Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси этиб сайланиши, шунингдек, 2023 йилда Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25-сессиясини ўтказишни ёқлаб овоз берди.

«Дунё» АА.

СЕРҚИРРА ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАК ДАРАЖАДА ҚАДРЛАЙМИЗ

◀1

Палатамиз Корея Республикаси савдо-саноат палатаси, Корея Республикаси кичик ва ўрта бизнес Федерацияси (KBIZ), Корея халқро савдо уюшмаси (KITA), Корея халқро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), шунингдек, Корея импортичилар уюшмаси (KOIMA) билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Сўнгги беш йил ичида Корея Республикасининг 20 та бизнес уюшмаси билан ҳамкорлик ўрнатилди ва 35 та турли даражадаги икки томонлама тadbирлар ўтказилди.

Ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири, шубҳасиз, молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. KOICA билан биргаликда 6 млн. долларлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Умуман, 2020 йилга қадар Ўзбекистон Республикасига ушбу ташкилот орқали 100 млн. АҚШ доллариллик бегараз ёрдам кўрсатилди.

Юқоридагиларни сарҳисоб қилар

ИЛҒОРЛИК СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШ БИЗ УЧУН ЖУДА МУҲИМ

Мирзиёд ЮНУСОВ, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси бошқаруви раиси:



— Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони қарийб икки баробар ортганлиги бунинг яққол далилидир. Давлатимиз раҳбарининг Корея Республикасига амалга оширган олий даражадаги ташрифи барча соҳалар қатори электротехника саноатини жадал ривожлантириш йўлида анча манфаатли ва самарали бўлди.

Айниқса, икки давлат раҳбарлари ўртасида имзоланган қатор муҳим ҳужжатлар, асосан, уч йўналишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Булар “яшил” тараққиёт, рақамлаштириш, инновациялар ва ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш масалаларидир.

Муҳим ҳужжатлар орасида “яшил энергетика”, “ақли шаҳар”ларни ривожлантириш, нодир металллар, мис ва уларнинг қотишмаларига оид меморандумларнинг имзолангани бизнинг соҳа янада тараққий этишида, Кореянинг йирик саноат корхоналари билан қўшма лойиҳаларни амалга оширишимизда муҳим қадамдир.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, Президентимиз томонидан жаҳон бозорига талаб юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқариши учун Иқтисодий тараққиётга қўмаклашиш фондини (EDPF) жалб қилган ҳолда, Тошкентда яримўтказгич ва

эканмиз, ишонч билан айтиш мумкин, Ўзбекистон ва Корея муносабатлари замон билан ҳамнафас, дўстлик ва ўзаро ишонч ришталари билан исботланган янги даврга қадам қўймоқда.

Президентимиз томонидан 2022 йилни “Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида ўзаро алмашинувлар йили” деб эълон қилиниши ҳамда илгари сурилган ташаббуслар икки мамлакат раҳбарлари ўртасида шахсий ишонч муносабатлари юксак даражада эканининг яна бир тасдиғидир.

электроника ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон — Жанубий Корея кластерини ташкил этиш ғоясини илгари суриди. Алоҳида таъкидлангани, кластер ҳудудида фан-таълим муассасалари, илғор технологиялар соҳасидаги тадқиқот ва ишланмалар марказларини жойлаштириш, бу эса ишлаб чиқариш билан саноатини интеграция қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кореядаги юқори технологиялар ва қўшилган қиймат занжирини яратиш йўналишидаги тажрибаларни ўрганиш биз учун муҳим. Бу борада бутун “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси электротехника саноатидаги анъанавий йўналишлардан ташқари, давлатимиз раҳбари илгари сураётган “яшил энергетика”га ўтиш борасидаги ташаббусларга ҳам катта эътибор қаратмоқда.

Биламизки, электромобилларни қувватлаш ускуналарига ишлатилган ҳамданоқ ашё материалларининг асосини юпка мис фольгалари ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ўта юпка мис фольгасини ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ҳисобланган Жанубий Кореянинг “SK Nexilis” компанияси раҳбарлари билан музокара олиб бордик. Уларга Ўзбекистондаги мис хом ашёлари микдори, электротехника соҳаси учун яратилган шарт-шароитлар, мис кластерини ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида маълумотлар бердик. Ўз навбатида, компания раҳбарлари Ўзбекистонда ўта юпка мис фольгасини ишлаб чиқариш таклифига қизиқиш билдирдилар. Ҳозирги кунда икки томонлама Ишчи гуруҳи тузилиб, лойиҳадоли ишлар давом этмоқда.

«Халқ сўзи» муҳбири Дилшод УЛУҒМУРDOV эътибор олди.

УЧТА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ АЙТИЛДИ

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва узоқ йилларга мўлжалланган стратегик шериклик битимлари ҳар икки давлат манфаатларига хизмат қилмоқда. Бу икки давлат ҳамкорлигининг юқори даражага кўтарилиб бораётганидан халқимиз ҳам жуда мамнун. Чунки ўзбек ва корей халқлари ўртасида нафақат иқтисодий ва ижтимоий, балки маънавий-маърифий, маданий ҳамкорлик ҳам тобора ривожланиб бормоқда.

■ Акс садо

Президентимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ва икки мамлакат раҳбарларининг Сеул шаҳридаги учрашувини барчамиз жуда катта мамнуният билан кузатиб бормиз.

Бугунги кунда Жанубий Кореянинг Ўзбекистонга инвестициялари ҳажми 7 миллиард дол-

лардан ошган. Жорий йилда 320 миллион доллар, яъни 2020 йилдагига нисбатан 20 фоиз кўп ўзлаштирилди. Бу маблағлар ҳисобига қимм, нефть-қимм, тўқимачилик, қурилиш, қишлоқ ҳўжалигида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти яқин даврга мўлжалланган ҳам-



СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

Жумладан, Ўзбекистон ва Корея Республикаси сиёсий муносабатлари халқро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳида давом этапти. Халқро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси бугунги кунга қадар Корея Республикасининг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланишини, шунингдек, 2023 йилда Жаҳон туркиза ташкилоти Бош ассамблеяси 25-сессиясини ўтказиш жойи сифатида Самарқанд номзодларини қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон, ўз навбатида, Кореянинг 2024-2025 йилларда БМТ Хавфсизлик кенгаши муваққат аъзоси бўлиш ниятини қўллаб-қувватлайди. Олдинроқ, Ўзбекистон Кореянинг БМТнинг ирқий камситишни бартараф этиш бўйича Кўмитасига (2018 — 2021 йиллар), ЭКОСОС (2018 й.), инсон ҳуқуқлари Кенгашига (2013 — 2015 й. ва 2016 — 2018 й.), Жаҳон метеорология ташкилоти Икхрия Кенгаши аъзолигига (2011 й., 2015 й., 2019 й.) илгари сурган номзодларини қўллаб-қувватлади. Ўз навбатида, расмий Сеул ҳам БМТ Бош Ассамблеяси доирасида Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 2018 йилда қабул қилинган иккита, яъни “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” ҳамда “Таълим ва диний баркиренлик” резолюцияни қўллаб-қувватлади ва унга ҳам муаллифлик қилди. Қолаверса, томонларнинг глобал ҳамда минтақавий аҳамиятга эга масалалар бўйича ёндашувлари ўқашлиги ени ақилли билан эътиборлидир. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси доирасида ташаббус ва резолюцияларни, БМТ турли органларига номзодларини қўллаб-қувватлаш ҳамда Осиёдаги минтақавий тузилмалар доирасида ҳамкорлик алоқалари муваффақиятли амалга оширилляпти. Бугунги кунда ҳукуматлар, вазирлик, идора, молия, банк институтлари ва бизнес тузилмалари ўртасида мустаҳкам муносабатлар тобора кенгайиб бормоқда.

Парламентлараро алоқалар ривожлантириш, ташқи ишлар вазирликлари маслаҳатлашувлари доимий равишда ўтказилаётган. “Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми самарали иш

олиб бормоқда. Мутахассислар фикрича, форум Жанубий Кореянинг Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорлик йўналишларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайдиган. Ушбу ташаббус давлат органлари ўртасидаги алоқаларни янада тараққий топтириш, корейлик ишбилармонларни кенг жалб қилиш ҳамда бизнес ҳамкорлигини фаоллаштириш йўлида янги имкониятларни очди.

Шу билан бирга, Корея Республикаси Осиё — Тинч океани минтақасида Ўзбекистоннинг етакчи савфатида до-иқтисодий ва инвестициявий шериги ҳисобланади. Ушбу мамлакат товар айирбошлаш ҳажми бўйича Хитой, Россия ҳамда Қозоғистондан сўнг туртинчи ўринда туради. Айни чоғда ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мавжуд имконият ва салоҳият тўлиқ ишга солинмаган. Яқин йилларда ушбу қўрсаткичларни ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар қўриляпти.

Жанубий корейлик тadbиркорларнинг мамлакатимизда муваффақиятли бизнес юритаётгани мазкур давлатнинг дунёга машҳур компанияларини жалб этишга ундамоқда. “Samsung”, “LG” сингари йирик корпорациялар республикамизга фақатгина ўз маҳсулотларини етказиб бермасдан, қўшма корхоналар ташкил қилмоқда. Масалан, “Samsung” “Airtel” компанияси билан маънавий техника воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Шу билан бирга, ўзаро муносабатлар ривожига замонавий технологиялар ва “ақли шаҳар”лар қурилишига устувор аҳамият берапти. Хусусан, Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳри раҳбарларини, кейинчалик Жанубий Кореянинг Ер ресурслари, инфратузилмалар ҳамда транспорт вазири Ким Хён Ми бошчилигидаги “Korea Eximbank”, “Korea Expressway”, “Hyundai EngineeringCo. Ltd”, “POSCO Engineeringand Construction”, “HnK Architects Group” сингари йирик компаниялар вакилларидан иборат делегациянинг юртимизга ташрифи чоғида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга қизиқиш билдириб, юртимизда бизнес учун яратилган шарт-шароитлар, айниқса, валюта сиёсати либераллаштирилганини алоҳида айтиб ўттиди. Биргаликда Тошкент шаҳрида йирик лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олишди.

корликда учта асосий йўналиш: “яшил” тараққиёт, рақамлаштириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш масалалари кун тартибига турганини таъкидлади.

Истиқболдаги барча қўшма лойиҳалар, дастур ҳамда ҳаракатлар режаларини шу асосий устуворликлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Томонлар қайд этганидек, мамлакатимизда ҳамкорликда ташкил этилган Ўзбекистон-Жанубий Корея тўқимачилик технопарки ва Қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги маркази фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш ва ривожлантириш давом эттирилади. Ўзбекистон ушбу мамлакатнинг рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, “ақли шаҳар”лар, ауторсинг, алоқанинг янги авлоди ва интернет-

технологиялар борасидаги ютуқларидан ўз амалиётида фойдаланишдан манфаатдор.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жанубий Кореяга давлат ташрифи алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада юқори даражага олиб чиқиш учун мустаҳкам пойдевор бўлди. Зеро, икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилганига келгуси йилда 30 йил тўлади. Давлат раҳбарлари бу стратегик шерикликни янада узоқ муддат давом эттириш бўйича келишиб олдилар ва бундан ҳар икки мамлакат халқлари бирдек манфаатдордир.

Дилбoр УСМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



Ушбу олий таълим муассасаларида юртимизда талаб катта бўлган мутахассислар бўйича халқро таълим стандартларига мос бўлган Корея Республикасининг ўқув дастурлари асосида кадрлар тайёрланаётган.

Шунингдек, жадал ўзгариб бораётган глобал шароитда икки давлат учун истиқболли бўлган фармацевтика, косметика, меҳмонхона бизнеси, шаҳарларни бошқаришнинг замонавий тизимларини ривожлантириш сингари бошқа соҳаларда ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. 2019 йили Жанубий Кореянинг фармацевтика компаниялари 18,6 миллиард долларлик кўрсаткич билан Осиёда учинчи ўринни эгаллади. Корея Республикаси яқин йилларда дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳажмини 20,4 миллиард долларга қиқариш орқали дунёнинг етакчи еттига давлати сафига киришни режалаштиряпти. Ўзбекистон, ўз навбатида, фармацевтика соҳасига ихтисослаштирилган етти эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ушбу соҳадаги ҳамкорлиги амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Корея Эркин савдо тўғрисидаги битимни тузиш масаласида анча илгарилади. Президентлар учрашувда ушбу ҳужжатнинг келгуси йилда имзоланиши тўғрисидаги тўғрисидаги битимни тузиш масаласида анча илгарилади.

Хулоса ўрнида айтганда, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Корея Республикаси ўртасидаги самарали ҳамкорлик стратегик шериклик даражасига қилди. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Кореяга амалга оширган ташрифи икки томонлама муносабатларда муҳим босқич бўлади ва икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга катта туртки беради.

Мансур ЭШОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон ЕОИИ билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор

Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) 2014 йилда Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида тузилган шартнома асосида ташкил этилган халқаро ташкилот ҳисобланади. 2020 йил декабрда мамлакатимиз ЕОИИда қузатувчи мақомига эга бўлди.

■ Нуктаи назар

Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари географик жойлашуви ва тарихий алоқалар нуктаи назаридан Ўзбекистоннинг ўзаро манфаатли савдо шериклари ҳисобланади. Кейинги йилларда эса юртимизнинг ташкилотга аъзо давлатлар билан товар айирбошлаш ҳамми сезиларли даражада фоллашди.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосий дастурий мақсадларидан бири бўлган ЎзЛиДеП ЕОИИдан биргаликда янги бозорларни шакллантирган ҳолда савдо алоқаларидаги тўсиқларни ҳамкорликда бартараф этиш майдончаси сифатида фойдаланишни муҳим, деб ҳисоблайди. Зеро, бу мигрантларнинг ҳуқуқий мақоми нуктаи назаридан жуда муҳимдир.

Бинобарин, ЕОИИга аъзо мамлакатларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг ташқи савдо соҳасидаги аъзолиги ҳамкорлари ҳисобланади. 2020 йилнинг якунлари бўйича мамлакат савдо айланмасининг 30 фоиздан ортиқроғи уларнинг улушига тўғри келди.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистонда йилдан-йилга ЕОИИга аъзо мамлакатларнинг олий ўқув юртлири филиаллари сони ортиб бормоқда. Ва бунда кадрларни тайёрлаш мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган сифат даражаси ҳам таъминланди.

Албатта, ЕОИИ аъзо мамлакатларида мавжуд янги товар бозорларининг Ўзбекистон томонидан ўзлаштирилишини боғжона тартиб-таомилларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу тартиб-таомиллар ўз ичига боғжона таъминоти ва мамла-



кат маҳсулотларини қузатиб бориш каби таомилларни ўз ичига олади. Бундай ёндашув янги транспорт йўлакларини яратиш масаласи билан боғлиқ.

Умуман олганда, қузатувчи мақомига эга бўлиш Ўзбекистон учун ўз салоҳиятини амалга ошириш, биринчи навбатда, иқтисодиёт соҳасидаги салоҳиятини ишга солиш имконини беради. 2021 йил 10 декабрда Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг видеоконференция шаклида ўтказилган йиғилишининг якунлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Онлайн-анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этди.

Саммитда ЕОИИ доирасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва интеграция жараёнларини кучайтириш, жумладан, иқтисодиёт, савдо, саноат, транспорт, божхона маъмуричилиги, рақамлаштириш ва бошқа йўналишларда ўзаро амалий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистоннинг қузатувчи мамлакат сифатида ЕОИИдаги иштирокининг бир йиллик даври давомида

тузилманинг турли органлари, энг аввало, Евроосиё иқтисодий комиссияси (ЕИК) билан уч йиллик Тадбирлар режаси қоидаларини баҳариш доирасида бажарилган ишлар тўғрисидаги сўзларини алоҳида қайд этиш лозим.

Миллий қонунчилиқни ЕОИИ меъёрлари билан, биринчи навбатда, ташқи савдонинг стандартлаштириш ва тарифсиз бошқариш чоралари соҳасида изчил яқинлаштириш устида иш олиб боришмоқда. Ўзбекистон “COVIDSciz саёҳат” платформасига қўшилди. Демак, Евроосиё тараққиёт банкига қўшилиш жараёни бошланди.

Ҳозирги замон хатарларига қарамадан, мураккаб шароитларга мослашиш ва янги “ўсиш нукталари” топиш имкони туғилмоқда. Масалан, Ўзбекистоннинг ташкилот мамлакатлари билан савдо айланмаси 2021 йил бошидан 30 фоизга ортиди. Бунда 2019 йил билан солиштирилганда савдо 11 фоизга ошган.

Ўз навбатида, партияимиз глобал иқлим ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, “яшил” энергетика лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, IT соҳасида тажриба алмашиш ва ишбилармонлик ҳамкорлигини ривожлантириш йўналишида бирлашиш жараёнларини давом эттириш ва кенгайтиришни муҳим, деб ҳисоблайди.

ЎзЛиДеП қузатувчи давлатларни долзарб ташаббуслар ва кооперация дастурларини Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида амалга оширишга фаол жалб этиш йўлида ҳаракат қилди. Партияимизнинг қарашлари ва мақсадларини умумлаштирган ҳолда айтиш лозимки, ЎзЛиДеП Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш тарафдоридир. Шу муносабат билан, Евроосиё иқтисодий иттифоқининг 2021 йил декабрдаги йиғилишида Президентимиз томонидан илгари сурилган долзарб масалаларни ҳал қилиш устувор аҳамият касб этади.

Биринчидан, ўзаро савдодаги тўсиқлар ва чекловларни бартараф этиш, ЕОИИ мамлакатлари билан савдо айланмасини орттириш учун янада мақбул шароитларни яратиш бўйича ёндашув ва механизмларни биргаликда ишлаб чиқиш масалаларининг муҳимлиги.

Иккинчидан, тизимли асосда саноат кооперацияси ва ўзаро ҳаракатни, шу жумладан, Ўзбекистоннинг мазкур тузилма доирасида Индустриаллаштириш онлайн харитасини яратишда иштироки йўли билан ҳам чуқурлаштириш зарурияти.

Учинчидан, янги транспорт йўлакларини яратишга қаратилган лойиҳаларни фаол илгари суриш керакки, бу ЕОИИ мамлакатларининг транзит салоҳиятини орттиришга ёрдам беради.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистоннинг ЕОИИ доирасида турли тўсиқ ва чекловларни аниқлаш ва бартараф қилиш жараёнидаги иштироки, фикримизча, миллий тадбиркорлар учун мақбул шароитлар яратида ва республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, ЕОИИ ҳуқуқига мувофиқ фитосанитар меъёрларни мувофиқлаштириш ва техник тартибга солиш натижасида яратилган қўшимча афзалликлар ЕОИИ мамлакатларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарларини етказиб беришни йўлига таъминан 30 фоизга ошириш имконини беради.

Шунингдек, Ўзбекистон учун учинчи давлатларга мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни ошириш бўйича янги имкониятлар пайдо бўлади, шу тўғрисида бу маҳсулотлар экспорти прогнозларга кўра, уч баробар ортиши мумкин.

ЕОИИ аъзо мамлакатларининг транспорт соҳасидаги қамчилари қамалиши, тарифсиз тўсиқларни оптималлаштириш ва уларнинг давлат харидларида иштироки эҳтимоли ҳисобига мамлакатнинг текстиль-трико-

таж саноати соҳасидаги экспорт салоҳияти анча ортиши мумкин. Ўшбу бозор сизими таъминан 12,9 млрд. долларга баҳоланмоқда, Ўзбекистоннинг ундаги ишторки эса булунги кунда турли таҳлилларга кўра, бор-йўғи 1,6 млрд. долларни ташкил этмоқда.

Сир эмаски, Ўзбекистон иқтисодиётининг фаол ривожланаётган соҳалари ЕОИИнинг устувор соҳалари сирасига киради. Хусусан, булар автомобилсозлик, енгил, қимё, нефть-қимё саноатлари, пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва шу қабилардир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда саноатни ривожлантириш, шу билан бирга, хом ашё экспортини қисқартириш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш сиёсатини параллель равишда илгари суришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Мисол учун, 2018 йилдан бошлаб ўзбек пахтасини экспорт қилиш қисқартирилмоқда, ўрта муддатли истиқболда табиий газни чет давлатларга экспорт қилишни тугатиш кўзда тутилган.

Аммо юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш дунё бозориде шафқатсиз рақобат билан тўқнашмоқда. Шунинг учун истиқболда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги, фикримизча, Ўзбекистон ва шу ташкилот мамлакатлари учун минтақаларо ишлаб чиқариш заңжирини кенгайтириш, маҳсулот сифати бўйича халқаро стандартларга эришиш, экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқаришни шакллантириш, ишлаб чиқариш қувватларининг янада самарали бўлишини таъминлаш бўйича янги имкониятлар эътибори оңади.

Қисқача айтганда, юқори қўшилган қийматга эга бўлган товарларни ишлаб чиқариш ҳажмлари ва номенклатурасини кенгайтириш, сифатни янада яхшилаш ва ҳаражатларни камайтириш йўналишида Ўзбекистоннинг ЕОИИ аъзо мамлакатлари билан ўзаро ҳаракати мамлакатимиз саноат қорхоналари рақобатбардорлигини ошириш имконини беради. Бу эса Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ислохотларининг талаблари ва эҳтиёжларига тўлиқ мувофиқ келади.

Актам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ДОИМИЙ НАЗОРАТИМИЗДА

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, қаерда хотин-қизлар тадбиркорлиги кенг ривожланган бўлса, ўша жойда тараққиёт ва фаровонлик қузатилади. Шу сабаб ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, улар ўз салоҳиятини юзага чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

■ Мушоҳада

Ана шу жараёнда парламент юқори палатаси Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг мўайян ҳиссаси борлигини таъкидлаш жоиз. Қўни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг йиғирма иккинчи ялпи мажлисида қўмитамизнинг 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган давридаги фаолияти тўғрисидаги масала қўриб чиқилганда ҳам бу алоҳида эътироф этилди.

Ҳисоботда келтирилганидек, ўшбу даврда қўмита аъзолари томонидан салмоқли ишлар бажарилган. Бу ўринда биз мавжуда алоқадор бўлган айрим жиҳатлар ҳақидагина тўхталмоқчимиз.

Масалан, назорат-таҳлил фаолиятини олиб кўрайлик. Ўшбу йўналишда 22 та тадбир ўтказилган. Жумладан, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имконият қафолатлари, аёлларга нисбатан таъйин ва зўравонликнинг олдини олишга оид қонунларнинг жойлардаги ижроси юзасидан 4 мартаба, опа-сингилларимизнинг меҳнат ҳуқуқини таъминлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича 7 та ўрганиш олиб берилди. Мўҳими, мазкур ўрга-нишлар давомида аниқланган муаммолар тизимли равишда ҳал этилаётир.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида сўз бораркан, “Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли” мавзусида хотин-қизлар форумини ўтказиш мунтазам йўлга қўйилгани ҳам айтиш зарур. Зеро, мазкур тадбир асосида хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, эришилган натижалар баробарида, ечимини қутаётган масалалар ҳам қўқур таҳлил қилинмоқда. Бу амалда қандай самара бераётгани эса барчага маълум.

Табиийки, ўшбу саъй-ҳаракатларни муваффақиятли амалга оширишда ҳамкорлар қўмағига суянамиз. Хусусан, фаолиятимиз давомида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиб келятмиш. Жойларда эса халқ де-



путатлари маҳаллий Кенгашларининг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари билан фаол мулоқот қилиб келмоқдамиз.

Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Ай-тиб ўтилган даврда институт кўмағида “Хотин-қизларни таъйин ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Юд этишмаслиги касалликларини профилактикаси тўғрисида”, “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ва “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қафолатлари тўғрисида”-ги қонунларни амалга оширишга қаратилган қонунчи-ҳужжатларнинг қабул қилини-ши ва қўлланилишини мони-торингдан ўтказдик.

Шу жараёнда аниқланган ҳолат бўйича Сенат ялпи мажлисига турли масалалар киритиб келинаётир. Хусусан, жорий йилнинг ўзида қўмита-миз томонидан ялпи мажлис-лар кун тартибига маҳалла-лардаги ҳолат, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли банд-лигини таъминлаш тўғрисида-ги масалалар киритилганли-гини таъкидлаш ўринлидир.

Умуман, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш қўмитамизнинг доимий назор-атида. Айтилганидек, бу бо-рада эришган натижаларимиз анча салмоқли. Аммо ҳали ол-димизда талайгина вазифа-лар турибди. Бу эса биз, қўмита аъзоларидан янада фаол бўлишни ҳамда юр-тимизда олиб борилаётган ис-лохот ва янгиланишларга ка-марбасталиқни талаб этади.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва гендер
тенглик масалалари
қўмитаси раиси.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭКСПОРТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш ҳамда қорхоналар, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, қайси давлатда мазкур йўналиш ривожланса, ўша жойда тараққиёт қузатилади, энг муҳими, аҳоли фаровонлиқка эришади.

■ Фикр

Шу сабаб ҳам яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг йиғирма иккинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш, унинг номенклатурасини диверсификациялаш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала қўқур таҳлилдан ўтказилди.

Қайд этилганидек, ташқи савдо ҳажмлари изчил ўсишини таъминлаш ва экспортни рағбатлантиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда. Валюта сиёсати тубдан либераллаштирилди, маъмурий ва бюрократик тўсиқлар бартараф этилди. Маҳсулотлар экспортда нарх белгилаш тартиби бекор қилинди, тўловларнинг бозор механизми йўлга қўйилди, экспортчилар учун муҳим солиқ имтиёзлари жорий этилди.

Шу каби саъй-ҳаракатлар натижасида республика ташқи савдо ҳажми барқарор ўсиб бораётир. 2017 йилда 26,5 млрд. доллар бўлган бу кўрсаткич 2020 йилда 36,3 млрд. долларни ташкил этди. Экспорти қорхоналар сони сўнгги тўрт йил ичида 35 фоизга кўпайди ва 5 минг 400 тага етди. Миллий экспорт таркибиде хом ашё улуши камайиб бормоқда. Яъни ўшбу кўрсаткич 2017 йилдаги 25 фоиздан 2020 йилда 16 фоизгача тушгани эътиборга молик.

Қўмитамиз томонидан



ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган муаммолари омилилар ҳам борки, бу бизни ташвишга солмасдан қолдирмайди. Хусусан, инвестиция фаолияти ва экспорт субъектларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ҳужжатлар тез-тез ўзгариб туриши ишбилармонлар фаолиятида қийин-чиқилларни келтириб чиқармоқда. Қолаверса, экспортчиларга сугурта муқофотини компенсациялаш, савдо ўйирини очиш ва қаслаб туриш, офис, савдо ва омбухоналарни ижарага бериш, хорижда реклама фаолияти билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш механизмлари талаб даражасида ишламаётгани ҳам сир эмас.

Шу асосда Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юборилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар пировардида мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Равшанбек АЛИМОВ,
Олий Мажлис
Сенатининг Халқаро
муносабатлар, ташқи
иқтисодий алоқалар,
хорижий инвестициялар
ва туризм масалалари
қўмитаси раиси.

БОЛА ПАРВАРИШЛАШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

■ Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Тегишли соҳа вакиллари, депутатлар, вазирлик ва идора-лар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республика-сининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қиз-гын муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ боқувчи-

сини йўқотганлик пенсияси қарамонидеги шахсларга улар 16 ёшга тўлгунга қадар, ўқувчи бўлсалар 18 ёшга тўлгунга қадар тўланади. Фуқаро 18 ёшга тўлганда, қўпична олийгоҳга ўқишга киради. Табиийки, ўқиш билан банд бўлган даврда таъ-минотсиз қолиб кетади.

Ўшбу қонун лойиҳасида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун-га бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда

тутилмоқда. Хусусан, боқувчи-сини йўқотганлик пенсияси тўловларини марҳумнинг фар-зандларига, улар 18 ёшгача, агар умумий ўрта таълим му-ассасаси, академик лицей ва олий таълим муассасасида ўқиётган бўлса 23 ёшга тўлгун-га қадар тўлаш, ногиронлиги болалиқдан бўлган болаларга 18 ёшгача қараган даврини иш стажига қўшиб ҳисоблаш белгиланмоқда.

Шунингдек, болани парва-ришлаш вақтинчи ҳаммаси жамланганда қўп билан 6 йил-лик даврни иш стажига қўшиб ҳисоблаш, республика ҳудуди-да карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳди-

ди мавжуд бўлган даврда амал қилиб турган вақтда пенсия олиш ҳуқуқи вужудга келган фуқаролар, ўшбу тадбирлар (чекловлар) даврида ёки туга-гандан сўнг бир ой ичида пен-сия тайинлашни сўраб муро-жаат қилган тақдирда, уларга пенсия уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлган санадан тайинлаш так-лиф этиляпти.

Қизгин муҳокамаларга бой бўлган мазкур йиғилишда иш-тирокчилар томонидан ишчи гуруҳ аъзоларига лойиҳани яна-да такомиллаштириш бўйича бир қатор тақлифлар берилди, қўллаб қаволлар ўртага та-шланди ва уларга атрофлича жа-воблар олинди.

«Халқ сўзи».

ҲОКИМЛАР БУ ЙИЛГИ НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР ЮЗАСИДАН МУРОЖААТ ЙЎЛЛАМОҚДА

Шу кўнларда маҳаллий Кенгашлар сессиялари ўтказилиб, ҳокимлар 2021 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ҳамда 2022 йилда ҳудудни комплекс ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича энг муҳим йўналиш ва вазифалар юзасидан муурожаат қилмоқда.

■ Маҳаллий Кенгашларда

Хусусан, Самарқанд вилояти ҳоки-ми Ерқонжон Турдимовнинг таъкид-лашича, жорий йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йил-нинг нисбатан 8,4, саноат маҳсулотлари ҳажми 9,2, хизматлар қўрсатиш 25,6, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 4,1, қурилиш-пудрат ишлари 14,3 фо-изга ўсиши кутилмоқда. Бунинг нати-жасида, аҳоли жон боғиша саноат маҳсулотлари 5,4, хизматлар 4,9 ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 9,6 миллион сўмини ташкил этади.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чи-қаришда “Ургут” эркин иқтисодий зо-наси ва кичик саноат зоналарининг ўрни катта. Бугунги кунда “Ургут” ЭИЗ-нинг янги 14 та филиали ва 88 та кичик саноат зонаси ташкил этилди. Улар томонидан жорий йилнинг 1 де-кабрь ҳолатига умумий қиймат 286 миллион доллар бўлган 60 та лойиҳа ишга туширилиб, 4 минг 700 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган ва 11 ой давомида 2 трил-лион 20 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чи-қаришни кенгайтириш, янги лойиҳа-ларни амалга ошириш хисобига 402 миллион доллар миқдоридеги маҳ-сулотлар экспорт қилирилган. Му-ҳими, Ямайка, Колумбия, Қатар, Македония, Бангладеш ва Ливан

давлатларига экспорт қилиш йўлга қўйилган.

“Темир дафтар”, “аёллар даф-тари” ва “ёшлар дафтарига” киритил-ган 8,1 минг нафар ишсиз фуқарони касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун 13,2 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

Мактабгача таълимни ривожланти-риш борасида бошланган ишлар на-тижасида жорий йилда вилоятда 1 минг 121 та давлат, нодавлат, оила-вий ва 15 та давлат-хусусий шерик-лик асосидаги боғчалар ташкил этил-ди. Йил якунига қадар болаларни мак-табгача таълим билан қамраб олиш 68,9 фоизга етказилди.

Жорий йилда 902 та мактабда 446 миллиард сўмлик маблағлар эва-зига қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Айни чоғда олис ҳудуд-лардаги 63 та мактабнинг янги фи-лиаллари қурилди. Бу яқин 30 йил ичида бўлмаган.

Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида 63 минг 338 нафар талаба тахсил олмоқда. Бу ўтган беш йилка нисбатан 5 кар-ра кўпдир. Ҳозирги кунда 17,1 минг ўринли тураржойга эҳтиёж мавжуд. Шу боис келгуси йилда давлат-таълимий шериклик асосида қўллаб талабалар тураржойлари қурилади.

Вилоятда яна бир драйвер соҳа,

бу хизматлардир. Йил якуни билан хизматлар ҳажми 19,5 триллион сўмга ёки 125,6 фоизга ўсиши таъминлана-ди. 2022 йилда қўшимча лойиҳалар ҳисобидан хизматлар ҳажминини 28 триллион сўмга, ўсиш суръатини эса қарийб 150 фоизга етказиш белгиланган. Қиймат 1 триллион 394 миллион сўмлик майдони 347 минг квадрат метр бўлган 7 та йирик савдо хизмат кўрсатиш комплекси ташкил этиляпти.

Муурожаатда Самарқанд шаҳрини яшаш учун қулай ва жозибадор “мил-лионли яшил шаҳар”га айлантириш учун амалий иш бошлангани ҳам таъ-кидланди. Бунинг учун Самарқанд, Пастдарғом, Оқдарё ва Тайлоқ туманлари ҳудудидан 18 минг гектар майдон шаҳар таркибига қўшилмоқда.

Ўз навбатида, келгуси йилда ба-ҳарилашган устувор вазифалар ҳам батафсил келтириб ўтилди.

Навоий вилояти ҳокими вазифа-сини бажарувчи Нормат Турсуновнинг муурожаатида давлатимиз раҳбари та-шаббуси асосида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси доирасида жорий йилда бажарилган ишлар, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси-дан келиб чиқиб амалга ошириллаган вазифалар таҳлил қилиб берилди.

Таъкидландики, вилоятда 2021 йил иқтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий макрониктисодий кўрсаткичла-ри бўйича ўсиш суръати сақланиб қолиши кутилмоқда. Хусусан, Йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулот 106,2, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қарийб 107, қишлоқ хўжали-ги маҳсулотлари 103,7, қурилиш-пуд-рат ишлари 103,2, хизматлар ҳажми 120,9 фоизга ўсиши, аҳоли жон бо-

шига эса саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2020 йилдаги нисбатан 4,5 миллион сўмга ошиб, 66,3 мил-лион сўмини ташкил этиши кутилмоқда. Шунингдек, 18 минг 680 та янги иш ўринлари яратилиб, бандлик

Бугунги кунда ҳам халқро ва минтақавий моҳарлар давом этиб, экстремизм ва терроризмга қарши самарали курашиш масаласи ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Халқро террорчилик ташкилотлари диний ақидалар ниқоби остида ёшларни зўравонликка, миллий ўзлигини, маданий-маърифий ва оилавий қадриятларини йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда зўравонлик қарашларини тарқатишни давом эттирмакда.

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЖРИБАСИ БОШҚА ДАВЛАТЛАР УЧУН НАМУНАДИР»

Австралиянинг Сидней иқтисодий ва тинчлик университетининг сўнгги 2020 йилги “Глобал терроризм индекси” маълумотларига кўра, 2019 йилнинг ўзида жаҳоннинг 63 мамлакатда терроризм ҳолатлари қайд этилган ва уларнинг қўбонлари 13 минг 826 кишини ташкил этган. Шу билан бирга, ана шу террорчилик ҳолатларининг оқибати 16,4 миллиард АҚШ доллари йўқотилишига олиб келган.

Экспертларнинг фикрича, терроризм кўпчилик мамлакатлар учун ҳос бўлган жиддий иқтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ.

Шунинг учун экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ҳамда бундай ҳолатларга чек қўйиш, уларни молиялаштириш манбаларига барҳам беришга қаратилган янада самарали чора-тадбирларни белгилаш, бу борада миллий ва халқаро даражада сай-ҳаракатларни бирлаштириш талаб этилади.

Оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмга қарши курашиш шароитида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича махсус маърузачиси Фионнуала Ни Алэйн 10 кун давомида мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, замонавий хатар ва таҳдидларга қарши кураш тажрибаси билан батафсил таниди.

Махсус маърузачи ташрифининг якунида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев билан учрашувда Ўзбекистоннинг ўз фуқароларини моҳарлар ҳудудидан Ватанга қайтариш борасидаги ўзига хос тажрибаси барча давлатлар учун намуна бўла олишини алоҳида мамнуният билан таъкидлади.

Ўзбекистон БМТнинг Терроризмга қарши глобал стратегиясини қўллаб-қувватлаган ҳамда терроризм ва диний экстремизм билан курашиш бўйича 14 та халқаро конвенция ва протоколни ратификация қилган.

Мамлакатимизда “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги Фармони билан 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси тасдиқланди.

Ушбу Стратегия конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, миллий ҳавфсизлик, шунингдек, фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали ва бир вақтнинг ўзида мувофиқлаштирилган давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш мақсадини кўзлаштирилади. Бунга эришиш вазифалари сифатида экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий-амалий асосларини такомиллаштириш, ушбу соҳадаги давлат органлари фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб бериш, бундай ҳолатларга қарши курашишда барчанинг ҳаракатини бирлаштириш, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш зарурлиги кўрсатилган.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Халқаро ислом академияси, Имом ал-Бухорий, Имом ал-Термизий ва Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари экстремизм ва терроризм гоёларига қарши курашда салмоқли ҳисса қўшмоқда.

ШХТ мамлакатлари Давлат раҳбарлари кенгашининг 18-сессиясида Президентимиз ташаббуси билан ушбу ташкилот давлатлари раҳбарларининг ёшларга қўшма мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури ёшлар ўртасида экстремизм ва терроризм мафқурасига қарши барқарор иммунитетни шакллантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мамлакатимизда ёшларни маънавий-ахлоқий ҳамда жисмонан баркамол этиб тарбиялаш ва ўқитиш дастури ишлаб чиқилган ва у изчил амалга оширилмоқда.

Кейинги тўрт йил давомида экстремизм ва терроризмга алоқадорлиги сабабли озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган, қилишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган 2 мингдан ортиқ шахслар афс этилди ва 1,5 мингдан зиёд шахслар жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Авваллари радикал диний оқимларнинг тарафдорлари деб ҳисобланган ёки уларнинг таъсири остига тушиб қолган 20 мингдан ортиқ шахслар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобидан чиқарилди.

Бевосита Президентимиз ташаббуси билан Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси ва БМТнинг Болалар жамғармаси билан ҳамкорликда 2019 — 2021 йилларда “Меҳр-1”, “Меҳр-2”, “Меҳр-3” “Меҳр-4” ва “Меҳр-5” дастурлари доирасида Афғонистон, Сурия ва Ироқдан халқаро террорчилик ташкилотлари сафига адашиб қўшилиб қолган 400 нафар хотин-қиз ва болалар Ўзбекистонга қайтарилди, уларнинг ижтимоий мослашуви ва реинтеграцияси учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди.

Махсус маърузачи Ўзбекистоннинг “Меҳр” дастурлари доирасида ўз фуқароларини мамлакатга қайтариш, реабилитация ва реинтеграция қилиш борасидаги сай-ҳаракатларини, айниқса, юксак баҳолади.

“Ўзбекистонда қўлланилган ва оила ҳамда ҳамжамиятга асосланган репатриация модели — илгор тажриба намунаси бўлиб, боланинг энг яхши манфатларини таъминлаш ҳамда моҳарлар ҳудудидан олиб чиқилган аёлларнинг жамиятга тўлақонли қайта интеграциялашга хизмат қилади, — деди Фионнуала Ни Алэйн. — Бу мамлакатингизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтимоий фаолиятининг устувор йўналиши сифатида қўрилаётганидан мамнунман”.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

■ Молия муассасаларида

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЕЧИМИ

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ташрифи давомида ишсизлар сони кўп ҳамда шароити огир маҳаллаларда лидер тадбиркорларни аниқлаб, уларнинг лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали уйда ўтирган хотин-қизлар бандлигини таъминлашга доир муҳим тақлифни илгари сурган эди.

Бу борадаги вазифалар Президентимизнинг 2021 йил 5 августдаги “Маҳаллаларда тадбиркорлиқни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан аниқ белгилаб берилди.



Бугунги кунда маҳаллабай ишлаш тизими асосида иқтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган, ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда тадбиркорлиқни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда хонадонлар ўртасида иқтисодий кооперацияни кенгайтириш мақсадида қабул қилинган қарор ижроси таъминланмоқда.

Мазкур жараёнда “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ ҳам фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, Хўжабод туманидаги “Қурама” маҳалла фуқаролар йиғинида янги иш ўринлари яратиш мақсадида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш дастгоҳлари сотиб олиш лойиҳаси банкнинг тегишли филиали томонидан молиявий қўллаб-қувватланди. Ушбу маҳаллада жойлашган “Anvar Lider Tex” масъулияти чекланган жамиятга юқоридаги мақсадлар учун 2 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди.

Ўз навбатида, қорхона томонидан маҳалладаги 50 та хонадонга тикув машиналари тарқатилди. Айни пайтда турли сабабларга кўра ишлай олмайдиган, аммо меҳнатга лаёқатли шунча хотин-қиз учун оила шароитида қўшимча даромад қилиш имконияти яратилди.

Икболжон ОСТАНАЕВ,
“Anvar Lider Tex” МЧЖ раҳбари:

— Бизнинг қорхона “лидер тадбиркор” сифатида танлаб олинди ва натижада яна 50 та иш ўрни ярат-

дик. Қорхонамизда мавсумий кийим-кечаклар тайёрланади. Айни пайтда эркаклар либослари тикилмоқда. Тикувчиларнинг ўртача маоши 2,5-3 миллион сўмни ташкил этади.

Айни пайтда Россия, Украина ҳамда Қозғоғистонга ойига 40 минг дона маҳсулот экспорт қилинмоқда. Қисқа вақт ичида 230 минг АҚШ доллариға тенг маҳсулот экспорт қилинди. Бу кўрсаткични иш якунига қадар 400 минг АҚШ доллариға етказиш режа қилинган.

Умуман, фаолиятимизни янада кенгайтириш устида иш олиб бораёмиз. Келгусида “Қурама” МФЙ ҳудудида янги ишчилик фойдаланишга топширилади. Бу яна 300 та иш ўрни яратиш имкониятини беради.

Барча лойиҳаларимизни ҳаётга татбиқ қилишда “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг Хўжабод филиали томонидан кўрсатилаётган молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутаятганлиги.

Санамоий Каримова Хўжабод туманидаги “Қурама” МФЙ, Узумзор кўчасида истикомат қилади. Ёш болали бўлгани боис мунтазам равишда қорхонага қатнаб ишлаш имконияти мавжуд эмас. “Лидер тадбиркор” лойиҳаси Санамоий каби аёлларнинг рўзгорига барака олиб кирмоқда.

Санамоий КАРИМОВА,
тикувчи:

— Мен аввал ҳам тикувчилик қорхонасида ишлаганман. Тажрибам етарли, аммо турмуш қурганимдан



кейин оилавий шароит тақозоси билан қатнаб ишлаш имконим бўлмади. Шундай қўлларнинг бирида қорхона мутасаддилари уйимга тикув машинаси олиб келгани, қўндан ўйлаб юрган ниятим амалга ошишига тўрткис берди. Асосийси, ҳар кунни эрталаб хом ашё тарқатиб кетилади. Уни олиб қолиб, кечгача бежирим кийимлар тикиб, тайёрлаб қўзман. Айни пайтда 1 миллион 200 мингдан ортиқроқ иш ҳақи олдим. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши мен каби қўллаб қўшиллар, опа-сингилларимнинг қўшимча даромад топишига ҳамда катта имконият бўлди.

Қувонтирган яна бир жиҳати шуки, бизга берилган тикув машиналари олийк даромадимиздан қисман ушлаб қолиш ҳисобига муайян вақтдан сўнг ўзимизда қоладиган бўлди. Уй ишларидан ортиб, бўш вақтимизда даромад топаётганимиз турмушимиз фаровонлигига ҳисса бўлиб қўшилиётмир.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимизга биз каби фуқаролар бандлигини таъминлашга қаратаётган эътибори учун миннатдорлик билдираман.

Умуман, лойиҳа асосида Санамоий каби эллик нафар қасаначи ҳамда

қорхона ишчилари томонидан бир кунда 966 дона, бир ойда 24 минг 166 дона, йилига эса 290 минг дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. “Лидер тадбиркор” лойиҳаси бўйича туманининг “Тош ота”, “Тўраобод”, “Фақир-қишлоқ”, “Янги Фарғона” маҳалла фуқаролар йиғинларида янги иш ўринларини яратиш мақсадида тикув дастгоҳлари ҳамда хом ашё маҳсулотлари сотиб олиш учун уч ойлик имтиёзли давр билан, 36 ой муддатга 10 фоиз устама тўлаш шарти асосида жами 8 миллиард (ҳар бир МФЙга 2 млрд. дан) сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Умуман, мазкур банк филиали томонидан лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш орқали туман иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига мунтазам эътибор қаратиб келинмоқда. Қолаверса, аҳолини рози қилиш, ночор оилаларга қўмақ кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам доимий эътиборда. Бу, инсон қадри — янги Ўзбекистон ислохотларининг асоси, деган ҳаётбахш гоёнинг кенг қулоч ёйишига ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) ўринларга профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.

1.	Табийй тоғларни дастлабки ишлаш технологияси	Профессор
2.	Технологик машиналар ва жиҳозлар	Доцент
3.	Муҳандислик графикаси ва механика	Доцент, катта ўқитувчи
4.	Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси	Доцент
5.	Ижтимоий фанлар	Доцент, катта ўқитувчи
6.	Тўқима матолари технологияси	Доцент
7.	Йиғириш технологияси	Доцент
8.	Тўқимачилик материалшунослиги	Кафедра мудири, профессор, доцент
9.	Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси	Профессор, ассистент
10.	Костюм дизайни	Доцент, катта ўқитувчи
11.	Кимё	Доцент
12.	Корпоратив бошқарув кафедраси	Доцент, катта ўқитувчи
13.	Ўзбек ва хорижий тиллар	Катта ўқитувчи
14.	Математика ва информатика	Доцент
15.	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш ва бошқариш	Доцент, катта ўқитувчи

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва иxtиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини топширадилар.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади. Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, танловда иштирок этувчилар эса синов дарсларини ўтказадилар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-й, 1-бино, 210-хона. Телефон: 71-253-17-78.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Мазкур маблағлар ҳисобидан маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳар бирида 40 тадан жами 160 та иш ўрни яратилди.

Самандар ХОЖИСУЛТОНОВ, Акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” Хўжабод филиали бошқарувчиси:

— Филиалнинг жами миқозлари сони 12 минг 292 нафарни ташкил этиб, шундан 7 минг 563 нафари жисмоний шахслар, 1 минг 296 таси хўжалик юритувчи субъектлардир. Уларнинг 520 нафари юридик шахс, 751 нафари яқка тартибдаси тадбиркор, 6 нафар ташкилот, 19 нафар уюшма ва ширкатлар ҳисобланади. Ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан филиал миқозлари умумий сони 1 минг 158 тага оиди.

Филиал кредит қўйималари 267 миллион 660 миллион 141 минг сўмни, яъни филиал жами активларининг 93,1 фоизини ташкил этади. Жами кредит қўйималар 2020 йил 1 январь ҳолати билан солиштирилганда, ушбу даврга нисбатан 75 миллион 780 миллион 780 минг сўмга кўпайган.

2018-2019 йиллар давомида Президентимизнинг тегишли қарорлари ижроси доирасида “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастуридан келиб чиқиб, 837 нафар фуқарога ўз хонадонда оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиши учун жами 14 миллион 813 миллион 816 минг сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Бунинг натижасида 3 мингдан зиёд фуқароларнинг доимий бандлиги таъминланган.

ЭЪЛОН